

**“[Ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz)” ижро тизимида қонунлар, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва
топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг
топшириқлари ижроси тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

(05.01.2026 й)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш борасида бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатларининг ижроси устидан самарали назорат механизмларини жорий қилиш, ижро натижаси бўйича аниқ ҳисобдорликни таъминлаш, шунингдек, барча бўғиндаги раҳбарлар ва ходимларнинг ижро интизомига қатъий риоя этиш бўйича шахсий масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш мақсадида **2025 йил** давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳисобот даврида **edo.ijro.uz** идоралараро ягона электрон тизими порталига жами **122 та** қонунчилик ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, улар ўз вақтида рўйхатга олинди, масъул ижрочиларга етказилди. Топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши қатъий назоратга олинди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни бажаришда, **“[Ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz)”** тизимида ишлашда масъул ижрочиларга Адлия идоралари томонидан доимий равишда ҳуқуқий-услубий кўмак амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳисобот даврида **edo.ijro.uz** идоралараро ягона электрон тизими порталида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари ва топшириқларида акс этган жами **40 та** ҳужжатда Марказ асосий ижрочи сифатида **261 та** топшириқ белгиланган бўлиб, шундан **228 таси** тўлиқ бажарилган. Хозирда **32 та** топшириқ ижроси юзасидан ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, **жорий йилнинг декабрь** ойида **24 та** Президент топшириқлари мавжуд бўлиб, **мазкур** топшириқлар ижросини **2025 йил 25 декабрга** қадар тўлиқ бажарилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлиси баёнларида, Вазирлар Маҳкамаси фармойишларида,

Вазирлар Маҳкамаси қарорларида, Бош вазир раҳбарлигидаги баёнларда жами **103 та** топшириқлар берилган бўлиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига мазкур топшириқларнинг **103 таси (100 %)** бажарилди.

2025 йил давомида Идоралараро ягона электрон тизими порталига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясидан **53 та** топшириқлари келиб тушган бўлиб, топшириқларнинг **53 таси (100 %)** ўз вақтида бажарилган.

Бундан ташқари, **2026 йил 5 январь ҳолатига** Ислом цивилизацияси марказига 2025 йил бошидан жами **1 237 та топшириқ** хатлари келиб тушган.

Шундан **49 таси** Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясидан, **97 таси** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан ҳамда **1 091 таси** вазирлик ва идоралардан келиб тушган.

Келиб тушган хатларнинг **1 217 тасининг (98,3 %)** ижроси тўлиқ бажарилган. Хозирда **20 та** хатда берилган топшириқлар ижроси иш жараёнида.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг амалда бажарилишига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммо ва камчиликлар **мавжуд эмас**.

Мазкур йўналишда ишлар давом эттирилиб амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот **ҳар ойнинг якуни** билан киритиб борилади.

Ахборот учун киритилмоқда.